

## ҲИСОБОТ САНАСИДАН КЕЙИН ЮЗ БЕРГАН ХОДИСАЛАРНИНГ АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*СамИСИ ассистенти М.Ҳ.Хусанов  
СамИСИ магистранти Ғ.Ш.Мусаев*

**Аннотация:** Мақолада ҳисобот санасидан кейин юз берган ҳодисалар аудит ташкил этиш асослари, аудит ўтказиш босқичлари ҳамда қўшилган қиймат солиғи аудитини режаси ҳамда дастури ишлаб чиқилган..

**Калим сўзлар:** аудит, актив, пассив, ҳисобот даври, аудит режаси, аудит дастури.

**Аннотация:** В статье разработаны основания проведения проверки по событиям, произошедшим после отчетной даты, этапы проверки и план и программа проверки по налогу на добавленную стоимость.

**Ключевые слова:** аудит, актив, обязательство, отчетный период, план аудита, программа аудита.

**Annotation:** The article develops the basis for the audit of events that occurred after the reporting date, the stages of the audit and the plan and program of the value added tax audit.

**Keywords:** audit, asset, liability, reporting period, audit plan, audit program.

Инсоният ҳамжамиятида жадал кечаётган ўзгаришлар ва тараққиёт жараёни, барча соҳалар, шу жумладан, бухгалтерия соҳасида ҳам туб ислохотларнинг янги босқичи бошланганлигини англатади. У ҳам бўлса, бизнинг назаримизга кўра, моҳиятан миллий қобикда қамралиб қолган, бугунги кун талаби нуқтаи-назаридан бирмунча биқик миллий ҳисобчиликнинг анъанавий тизимдан босқичма-босқич воз кечиш, мазмунан туб янги МҲХСга ўтишнинг зарурлиги хорижий инвесторларни зарур ахборот билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш ҳаётий зарурат эканлиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда инвесторларга муҳим маълумотлар корхоналар ҳисоботларида ўз аксини топади. Ҳисоботларнинг аниқлиги ва шаффофлиги, молиявий ҳисоботлар тузилгандан кейинги ходисаларни ҳисоботларда тўғри акс эттириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳисобот давридан кейинги ходисалар Бухгалтерия ҳисобининг **10–сонли** халқаро стандарти “**Ҳисобот давридан кейинги ходисалар**” билан тартибга солинади.

Стандартга мувофиқ Ҳисобот давридан кейинги ходисалар - ҳисобот даври тугаган сана билан молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасидаги ораликда юзага келган, ижобий ва салбий, ходисалардир. Ҳодисаларнинг икки турини белгилаш мумкин:


ҳисобот даврининг охирида мавжуд бўлган шарт-шароитларни тасдиқлайдиган ҳодисалар (ҳисобот давридан кейинги, тузатишлар киритилишини талаб этадиган ҳодисалар);

ҳисобот давридан кейин юзага келган шарт-шароитларни кўрсатадиган ҳодисалар (ҳисобот давридан кейинги, тузатишлар киритилишини талаб этмайдиган ҳодисалар).

Молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш жараёни бошқарувнинг таркибий тузилмаси, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва якуний расмийлаштиришда амал қилинган қонуний талаблар ва жараёнлардан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботлар эълон қилинганидан сўнг акциядорларнинг тасдиғига ҳавола этиши талаб қилинади. Бундай ҳолларда, акциядорлар молиявий ҳисоботларни тасдиқлаган санасида эмас, балки молиявий ҳисоботлар эълон қилинган санасида улар эълон қилиш учун тасдиқланган бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти молиявий ҳисоботларни (ижрочи бўлмаган шахслардангина ташкил топган) кузатув кенгашига, молиявий ҳисоботлар улар томонидан тасдиқланиши учун, тақдим этиши талаб қилинади. Бундай ҳолларда, раҳбарият молиявий ҳисоботларни кузатув кенгашига тақдим этилишини тасдиқлаган сана молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санасига қадар рўй берган барча ҳодисаларни қамраб олади, бу ҳодисалар фойда ва бошқа танланган молиявий маълумотлар оммавий эълон қилингандан кейин рўй берган бўлса ҳам.

Ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:



**1-расм. Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар.**

Тадбиркорлик субъекти ҳисобот давридан кейинги, тузатишлар киритилишини талаб этадиган ҳодисаларни акс эттириш мақсадида ўз

молиявий ҳисоботларида тан олинган суммаларга тузатишларни киритиши шарт.

Аудиторлик ҳисоботи таркибий тузилиши ва мазмунидан келиб чиқиб, шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳисобот санасидан кейин юз берган ҳодисалар аудитининг хусусий режаси ва дастурини тузиб чиқишга ҳаракат қилдик. Улар 5-жадвалларда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Ҳисобот санасидан кейин юз берган ҳодисалар аудитининг режаси

№	Аудит жараёнидаги иш ҳажми	Бажарилиш даври	Бажарувчи	Изоҳ
1	Корхона ҳисоб сиёсати билан танишиш	Бир кун	Валиев М.,	
2	Корхона молиявий ҳисоботлари билан танишиш	Икки кун	Рахимов К.	
3	Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисаларни ўрганиб чиқиш	Бир кун	Валиев М.,	
4	Текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	Бир кун	Норов Р.	

Аудиторлик гуруҳининг раҳбари(аудитор) :

Норов Р.

### 6-жадвал

#### Ҳисобот санасидан кейин юз берган ҳодисалар аудитининг дастури

№	Режалаштирилган ишлар тури	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Эслатма
1.	Корхона ҳисоб сиёсати билан танишиш	1.04.22 – 02.04.22		
2.	Корхона молиявий ҳисоботлари билан танишиш	03.04.22-04.04.22		
3.	Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисаларни ўрганиб чиқиш	05.04.22-05.04.22		
3.1.	ҳисобот давридан кейинги, тузатишлар киритилишини талаб этадиган ҳодисаларни ўрганиш	06.04.22.-07.04.22		
3.2.	ҳисобот давридан кейинги, тузатишлар киритилишини талаб этмайдиган ҳодисаларни ўрганиш	08.04.22-10.04.22		
4.	Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисаларни раҳбарлар билан муҳокама қилиш	11.04.22-11.04.22		
5.	Корхона молиявий ҳисоботларини ҳисобот санасидан кейинги	12.04.22-13.04.22		

	ходисаларни ҳисобга олган ҳолда тузиш			
6.	Текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	14.04.22- 15.04.22		

Аудиторлик гуруҳининг  
рахбари(аудитор)

Норов Р.

Аудитни режалаштиришда, чунончи унинг режа ва дастурин тузишдан олдин аудитор аудиторлик текширувнинг мақсади ва олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиқиб миқдор тўғрисида маълумотлар йиғишга ва бир қатор дастлабки ҳаракатларни амалга ошириши лозим деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. O'Ktamovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.
2. Po'Latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.
3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.
4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.
5. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
6. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 23.
7. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
8. Shirinov, U. A. (2018). TELERADIO XIZMATLARINI KO 'RSATUVCHI SUB'EKTLARDA HARAJATLAR HISOBI. *Turizm ilmiy-amaliy elektron jurnali*, 1(1), 96-100.
9. Uchkun, S., & Dilshod, N. (2022). PROCESS OF IDENTIFYING THE SIGNIFICANT ACCOUNTS IN THE REVENUE CYCLE. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 32-36.
10. Ширинов, У. А. (2019). Телефон хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. *Интернаука*, (2-2), 83-85.
11. Ширинов, У. А. (2019). Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
12. Худайбердиев, Н. У., Ширинов, У. А., & Алибоев, А. (2021). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (7-2), 94-97.
13. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVING INCOME ACCOUNTING IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Мировая наука*, (7), 93-97.
14. Vaxromovich, U. K. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.
15. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.